

ФРАНЦУЗ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ЗООСИМВОЛЛАРГА ОИД ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАР

(Roman de Renart асари материалида)

Қўчқорова Садоқат Тошпўлатовна

Самарқанд давлат чет тиллар, институти катта ўқитувчиси, PhD

sadokatkuchkorova@gmail.com

Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар эртақ жанрининг энг аввал пайдо бўлган намуналаридан ҳисобланади. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг келиб чиқиши ҳақида олимларнинг кўпчилиги, улар тотемизм - ҳайвонларга сиғиниш оқибатида ва инсоният ҳайвонларни ов қилиш ва қўлга ўргатиш жараёнига киргандан сўнг пайдо бўлган деган фикрлар билдирган.

Биз таҳлилини келтирмоқчи бўлганимиз француз халқига мансуб Le Roman de Renart номли оғзаки ижод намунаси асрлар давомида яратилган ва бойитилган. Ушбу асар эски француз тилида XII-XIII асрларда бир вақтнинг ўзида ҳинд-европа халқлари фольклори, латин тилидаги клерикал адабиёт намуналари ва аристократларга оид ҳикоя мотивлари асосида яратилган. Ушбу асарда ҳайвонларнинг инсонларники каби жамияти бор ва ҳар бир персонаж ўз ижтимоий мақомига эга, ҳар бир ҳайвон тўлақонли оилага эга. Унинг асосий персонажи Ренар исмли тулки. Эски француз тилида тулки “goupil” деб аталган ва ҳозирги кунда бу сўз истеъмолдан чиқиб кетган бўлиб, французлар тулкини renard деб атайдилар. Биз таҳлил қилаётган асарни ташкил қилган ҳикоя ва эртақлардаги бош қаҳрамоннинг исми эса Renart (Ренар). Ушбу бирликнинг аҳамиятли жиҳати шуки, ҳозирги француз тилида тулкини ифодаловчи renard сўзи ва асар персонажи Renart исмлари фонетик жиҳатдан бир хилда (ренар) деб талаффуз қилинсада, ёзувда атоқли исм охирида турдош отдаги “d” ҳарфи ўрнига “t” ҳарфи қўлланилади. Ушбу ҳолат француз тили тарихидаги ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Биз таҳлилимизни аввало зоосимвол сифатида тулки ифодалайдиган тушунчаларни аниқлаштиришдан бошлаймиз. Ушбу ҳайвон дунёда мавжуд аксар халқларнинг маданиятида ҳам энг биринчи навбатда, маккорлик ва ёлғончилик рамзи ҳисобланади. У одатда, ўз мақсади йўлида бошқаларнинг истак-хоҳиш ёки шароитлари билан ҳисоблашмайди. Юқорида келтирган асарнинг бош қаҳрамони, Ренар исмли тулкининг хулқ-атворини белгиловчи лингвистик бирликларни таҳлил қилиш жараёнида амин бўлдикки, француз маданиятида ҳам тулки образи айёр, ёлғончи, хийлагар ва ўғри каби сифатларни ўзида жамлаган. У ўз мақсади, яъни эртақлардаги асосий мақсад - қорин ғами йўлида ҳар қандай алдовни қўллайди. Тулки образидаги юқорида келтирилган сифатлар қандай лексик-семантик бирликлар орқали намоён бўлишини қуйида кўриб чиқамиз.

Тулки образини айёрлик, ёлғончилик, фирибгарлик ва худбинлик каби қусурларни ўзида жам этган қахрамон, ушбу белгилар намоён бўладиган сатҳ сифатида биз, матнда **тулки образига берилган ном ва таърифлар** ва ушбу **хайвон томонидан амалга оширилган хатти-харакатларни** ифодаловчи лексик-семантик бирликларни таҳлил қиламиз.

Хайвонлар ҳақидаги эртакларнинг яна бир хусусияти – уларда диалогларнинг кўплигидир. Ушбу диалоглар орқали персонажларнинг ҳар хил ҳолатлардаги ўзаро муносабатлар яққол кўриниб туради. Диалоглардаги мулоқот эртакчининг эртак персонажларига бўлган муносабатидан фарқли ўларок, ўқувчида турли персонажлар нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, қахрамонларнинг хулқ-атвори хусусида кўпроқ ахборот беради.

Матндаги тулки персонажга берилган ном ва таърифларни уч планда таҳлил қилдик. Булар тулки ва бошқа персонажлар ўртасидаги бевосита диалогда тулкига берилган ном ва таърифлар, матндаги тулкидан бошқа персонажлар суҳбатида унинг хулқ-атворида берилган ном ва таърифлар ва эртакчи, яъни муаллифнинг тулки персонажга берган таърифи.

1. Тулки ва асардаги бошқа персонажлар ўртасидаги диалог турли шароитларда ва турли ижтимоий табақа вакиллари акс эттирувчи хайвонлар ўртасида бўлиб ўтади ва мулоқотчилар унинг асардаги баронлик даражасини ҳисоб олиб мурожаат қиладилар. Масалан, тулкининг эртаклардаги доимий “ҳамроҳи” ва азалий душмани бўри ушбу асарда у билан битта ижтимоий мақомга эга. Шу билан бирга, у тулкини жияни сифатида кўради: *mon beau neveu* (менинг қадрли жияним), *beau neveu Renart* (азиз жияним Ренар), *compère* (ошна) *Compère Renart* (Ренар оғайни), *mon ancien ami* (менинг эски дўстим), *mon meilleur conseiller* (энг яхши маслаҳатчим). Эртаклардаги бошқа персонажлар ҳам маълум шароитларда расмий *Sire*, *Sire Renart*, *Monseigneur Renart*, *damp Renart*, *Mon beau seigneur*, *Maître Renart* ва дўстона *Cher ami Renart*, *frère Renart*, *mon beau cousin*, *mon bon ami Renart*, *Beau compain*, *Bel ami*, *cher et doux compère*, *mon petit Renart*, *ami Renart* деб мурожаат қиладилар. Кўришимиз мумкинки, юқоридаги бирликларда акс этган мурожаат шаклида, айнан Ренар атоқли оти ва *ami*, *compère*, *maître* каби турдош отлар ва *Sire*, *Monseigneur*, *Damp* каби ундалмалар асосан *beau*, *bon*, *cher* каби сифатлар билан иштирок этипти. Ёлғонга суяги йўқ тулкининг алдовларига лаққа тушганларидан сўнг албатта, ўзгарган муносабатлар умуман зид маъноли бирликларга айланади: *Maître larron* (ўғри жаноблари), *traître Renart* (Ренар сотқин), *méchant et puant larron* (ёвуз ва сассиқ ўғри), *Méchant nain* (ёвуз пакана), *roux infâme* (пасткаш малла), *Maître fourbe* (жаноб алдоқчи). Бошқа персонажлар билан суҳбатда турли вазиятларда тулки ўзини ўзи таърифини келтирган: *vous neveu* (жиянингиз), *le faible*, *l'innocent privé de défense* (ўзини ҳимоя қила олмайдиган заиф бегуноҳ), баъзан у қурбонларига ўзини “*le beau porteur de nouvelles de paix*” - “тинчликнинг кўркем

хабарчиси” дея мақсадига етиш учун ҳаракат қилган ва натижада истехзоли равишда, айниқса унинг қўлидан кутулиб қолган паррандалар томонидан се bel ambassadeur de paix (тинчликнинг бу кўркам элчиси) деган номга эга бўлган.

2. Иккинчи планда тулки персонажга бошқа персонажлар мулоқотида асосан салбий хусусиятлари асосида, “орқаваротдан” таъриф берилади. Бу персонажлар одатда бўри, айик, мушук, арслон, хўроз каби образлардир. Ушбу тавсифларни ҳам семантик гуруҳларга ажратишга ҳаракат қилдик:

а) унинг ранги ва гавдасининг хусусиятлари билан боғлиқ салбий таърифлар: le maudit pain (лаънати пакана), le puant roux (сассиқ тулки), “roux”(малла, қизғиш) сифати le poil, la pelisse (тук, мўйна) отлари билан эртақларда ушбу ҳайвоннинг мўйнасининг рангини билдириб келаётган бўлса, le mauvais roux (ёмон малла), le roux (малла), odieux et méchant roux (ярамас ва ёвуз малла), le misérable roux (жирканч малла,) un puant rousseau (сассиқ малла) бирликларида тулки сўзига синоним сифатида қўлланиляпти

б) тулки персонажи характериға хос иллатларни ифодаловчи бирликларни семантик ва маъно кучайиши даражасига кўра жойлаштирдик:

а) ёлғончи ва фирибгар: le menteur (ёлғончи), le coquin (товламачи, қаллоб), le faux (қаллоб), le larron (ўғри, фирибгар), le scélérat (ярамас, фирибгар), une parjure (қасамхўр), le rusé voleur (айёр ўғри), l’imposteur fieffé, insigne fripon (учига чикқан фирибгар, муттаҳам), un insigne menteur (мисли кўрилмаган алдоқчи);

б) очкўз ва ўғри: le glouton (баднафс, очкўз), un voleur (ўғри), le pendard (дор тагидан қочган);

в) хоин ва мазахчи: le traître (сотқин), le double traître (икки ёқлама хоин), un félon (хоин), odieux Renart (ярамас Тулки), le traître et déloyal (хоин ва аҳдида турмайдиган,) le maudit railleur (ланъати мазахчи), le plus odieux gabeur (энг разил мазахчи), un vil et méprisable flatteur (ярамас ва жирканч лаганбардор), un meurtrier (қотил).

г) эртақларнинг охирида тулкини суд қилиш жараёнида асилзода зодагонлар тулкининг таърифини стилистик усуллар билан бойитган ҳолда келтирадилар: origine de tous les discorts (барча келишмовчиликлар сабабчиси), assemblage de tous les genres de malice (барча турдаги ҳийлалар йиғиндиси), ennemi du lien conjugal et de la paix publique (жамоа тинчлиги ва оилавий ришталар душмани), fléau de tous (ҳаммининг офати), violateur de la foi jurée (ишонч-эътиқод бузғунчиси), le trompeur universel (донғи кетган ёлғончи).

Унинг макрига ишониб, терисини анча қимматга пулламоқчи бўлган балиқчилар назарида эса тулки “un beau goupil avec une superbe fourrure”(ажойиб мўйнали чиройли тулки) эди.

3. Ҳикоячи аксар ҳолларда ушбу персонажни Ренар деб тилга олган. Оиласи учун “bon époux et bon père” (яхши турмуш ўртоқ ва яхши ота) бўлган тулки, қийинчиликларни бартараф этиш жараёнида ingénieux – топағон, вазиятдан чиқиб кетувчи деган сифат берилган.

Таърифларнинг лексик-семантик жиҳатдан бой ва ўзгарувчанлиги, лингвистик жиҳатдан мураккаблилик даражасининг хилма-хиллиги айнан мен-сен типига ва персонажлар ўртасидаги диалогларда намоён бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, диалоглардаги бирликлар персонажлар орасидаги муносабатларга, улар орасидаги мулоқотнинг мақсадига ойдинлик киритади.

Энди иккинчи сатҳ сифатида, маккор тулки персонажи томонидан амалга оширилган ҳатти-ҳаракатларни ифодаловчи лексик-семантик бирликларни кўриб чиқамиз. Бу ҳаракатлар энг аввал, унинг **ташқи қиёфаси, гавда ҳаракатлари ва гапириш оҳанги** орқали намоён бўлади. Масалан, доим егулик илинжида юрган оч тулкининг ночор ташқи қиёфаси қуйидагича намоён бўлади: *la queue basse et le cou tendu* (думи қисилган ва бўйни эгилиб,) *la tête basse et la queue entre les jambes* (боши ҳам ва думини қисган); *les dents longues* (узун тишлар), *les yeux troublés*, *l'œil morne*, *l'œil terne* (нурсиз кўзлар, маънос нигоҳ); *la pelisse hérissée*, *la fourrure mal lissée*, *le poil hérissé* (нотекис ва хурпайган мўйнаси), *l'estomac creux*, *la panse vide*, *le ventre creux* (бўш ошқозон, оч қорин) каби от ва сифатдан ясалган синонимик эпитетлар, *maigre*, *efflanqué* (озғин, ориқ) сифатлари, *avec l'air de quelqu'un ayant subi de longues et sérieuses privations* (худди сурункали очликдан силласи қуриган кишидек) каби қиёслашлар орқали берилган. Унинг ботиний қиёфаси ҳам мос равишда *l'âme dolente* (юрагига қил сиғмай), *l'esprit morose* (кўнгли тушкун), *l'état fâcheux* (жаҳли чиққан) каби эпитетлар билан ифодаланган.

Ушбу ҳолатнинг акси бўлган ҳолларда, яъни тулки ўз мақсадига эришганда, асосан қорни тўйганда, юқорида келтирилган лексик бирликлар қарама-қарши маъноли сифатли эпитетлар: *agile et souple* (эпчил ва уддабурро), *l'œil vif* (тетик нигоҳ), *la fourrure lisse et brillante* (текис ва ялтираган мўйна), *le visage reposé et satisfait* (тетиклашган ва мамнун чеҳра), ички ҳолати ҳам мос равишда *heureux* (бахтиёр), *joyeux* (хурсанд), *enchanté* (шод), *une humeur facétieuse et goguenarde* (хушчақчақ ва ҳазил-мутойиба, мазах кайфиятида) каби бирликлар билан ифода этилган.

Тулкининг маккорона ҳатти-ҳаракатлари таҳлилини кўрсак, аксарият эртакларда у ўзини ўликка ёки касалга солиб, ниятига етишга ҳаракат қилади. Ушбу ҳатти-ҳаракатлар матнда тана аъзолари (*pattes, jambes, dents, langue*) нинг ҳолатига кўра *se placer* (жойлашмоқ), *s'étendre* (чўзилиб ётмоқ), *se vautrer* (узала тушиб ётмоқ) феъллари асосида турли отли бирликлар билан қўлланилган:

les pattes raidies (тиришиб қолган панжалар), *jambes écartées* (оёқлари керилиб), *jambes en l'air* (оёқлари осмонда); *les dents découvertes* (тишлари очилиб), *dents serrées* (тишлари иржайиб), *dents rechignées* (тишлари); *la langue pendante* (тили осилиб), *la langue tirée* (тили оғзидан чиқиб), *la langue pantelante* (тили осилиб); *balèvres rentrées* (пастки лаби қимтиниб) *et les yeux fermés* (кўзлари юмук); *sans mouvement et sans haleine*

(ҳаракатсиз ва нафас олмасдан); les grimaces douloureuses et dégoûtées (юзини аянчли ва жондан тўйгандек буриштириш).

Француз эртакларида тулки образининг маккорлик, айёрлик, товламачилик каби салбий хусусиятларнинг рамзи эканлигини яна бир бор таъкидлаган ҳолда, унинг маккорона режаларини амалга оширишда қўллайдиган яна бир новербал восита сифатида **нутқ оҳангини** лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиб кўрамиз. Таҳлил жараёнида ушбу тушунча турли вазиятларда овознинг ҳолатини ифодаловчи лисоний бирликларни аниқладик:

тулкига раҳми келишлари учун: D'un ton piteux (ночор овозда), d'une voix étranglée (бўғиқ товушда), d'une voix grave (паст овозда);

ишончга кириш учун: d'un ton le plus cordial (ўта “самимий” оҳангда), d'un ton de gronderie paternelle (оталарча насиҳат оҳангида), d'une feinte sollicitude (сохта меҳрибонлик билан), d'un ton de surprise désolée (сохта ҳайрат билан);

ишини битириш учун ёки асилзодалар билан мулоқотда: avec un grand salut (қуюқ саломлашиб), du ton patelin (хушомадгўй оҳангда), d'un ton melliflu (тилёғмалилик билан), de sa voix la plus caressante (энг эркаловчи овозида);

ниятига етгандан сўнг: d'un ton goguenard, d'un ton railleur (мазах оҳангида), du ton naturel (табиий оҳангда) каби лексик бирликлар қўлланилган. Ушбу бирликларнинг структурасига назар солсак, улар de, avec предлоглари, ўзаги ton (оҳанг) ва voix (овоз) отлари билан келган аниқ ва ноаниқ артиклли от ва сифатдан ташкил топган эпитетлар эканлигига гувоҳ бўламиз.

Эртак матнларида тулки персонажининг “касби” бўлган ҳийла-найранг ишлатиш, ўғрилиқ қилиш маъноларини берувчи қуйидаги ҳаракат номлари ва феълли бирикмалар аниқланди:

ўғирликни амалга ошириш учун: guetter (пойламоқ), épier (зимдан кузатмоқ), ne pas quitter de l'œil (кўздан қочирмаслик), inspecter, observer (кузатмоқ), attirer (жалб қилмоқ), s'aplatir (чўзилиб ётмоқ), grimper (тирмашмоқ), orienter sa fuite (қочиш йўналишини чамаламоқ), baisser le cou (бўйинини эгмоқ), agiter le bout de sa queue (думини ликиллатмоқ), sauter au col, saisir au col (бўйнига сапчимок), s'élancer comme une flèche (ёй ўқидек отилмоқ), emporter (олиб кетмоқ), happer (тутиб олмоқ), happer d'un seul bond (бир ҳамлада тутиб олмоқ), se mettre à la fuite avec sa proie (ўз ўлжаси билан қочиб қолмоқ), filer (жуда тез югурмоқ), quitter les lieux (жойни тарк этиш).

Алдаш ва бировларни устидан қилиш учун: tromper (алдамоқ), mentir (ёлғон сўзламоқ), duper (лақиллатмоқ), se moquer (устидан кулмоқ), faire semblant de ... (ўзини ...дек қилиб кўрсатмоқ), railler (масхара қилмоқ), faire la grimace (афтини бужмайтирмоқ), faire une belle moue (, ricaner sous cape (мийиғида кулмоқ), gaber (мазах, майна қилмоқ). Ушбу туркумдаги **gaber** (мазах, майна қилмоқ) феълли жуда эскирган сўз ҳисобланади ва ҳозирги француз тилида умуман қўлланилмайди.

Ўғрилик билан боғлиқ бирикмаларда пойлаб туриб, ўлжасини олиб қочиш тулкининг ҳайвон сифатидаги овдаги табиий ҳаракатлари орқали ифодаланган. Мазкур тўпلامдаги ҳикоя ва эртакларда ҳайвонларнинг суворилик қилиш, рицарлардек қилич билан урушиш каби инсонларга хос хусусиятлари билан бирга, табиатан ўзларига хос бўлган ҳаракатлари ҳам ифодаланган. Масалан, тулки думи билан кулча бўлиб ухлайди, мушук Тибер думи билан ўйнайди, товук ва хўрозлар пичанни титишади ва ҳ.

Маълумки, эртакларда халқ ҳаётининг турли даврларидаги дунёқараши акс эттирилади. Дунёдаги турли халқ эртакларида, ўхшаш сюжетлар, мавзулар, қаҳрамонлар учрайди. Шу билан бирга фарқлар ҳам кузатилади. Эртаклардаги айнан ҳайвонлар тимсолида халқ ахлоқ кодексининг моҳиятини ташкил этувчи ғоялар яширинган. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда юзага келадиган сюжетлар ўзига хосдир реал ҳаётий вазиятларни ифода этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Захарова Т. В. Фольклорно-символические ментальные образования (на примере концептов луна и mond) // Филологические науки. Вопросы теории и практики. № 9 (63). Тамбов, 2016. – С. 97-100.
2. Ван Тао. Символика цвета в сказочном фольклоре (на материале русских и китайских сказок) <https://docplayer.ru/47467991-Simvolika-cveta-v-skazochnom-folklore-na-materiale-russkih-i-kitayskih-skazok.html>
3. Энциклопедия символы и знаки. <http://sigils.ru/symbols/>
4. Alleau R. La science des symboles. – Paris: Payot, 1976. – 292 p.
5. Jodogne Omer. Le roman de Renart : un fait socio-littéraire. In: Bulletin de la Classe des lettres et des sciences morales et politiques, tome 58, 1972. pp. 178-188;
6. Roman de Renart. Anonyme. <https://www.vousnousils.fr/casden/pdf/id00101.pdf>.